

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2018
август

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.ЗИЯЕВ

Турли тизимли тилларда “интенсификация” концептуал семантикасининг морфологик сатҳда ифодаланиши 72

Х.ЖАББОРОВ, Э.ЖАББОРОВ

Қарши топонимлари тадқиқотчиси..... 76

Н.АЛИБОЕВА

Инглиз тилида тасвирий маънонинг ифодаланиши 80

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ**Ф.РАШИДОВА, Ш.ИГАМБЕРДИЕВА**

Талабалар томонидан 1-даражали чет тилларни ўзлаштиришнинг замонавий муаммоларини таҳлил қилиш..... 84

А.НУРМУҲАМЕДЖАНОВ

Таълимда замонавий технологик ёндашув омиллари..... 88

Н.БАЙДУЛЛАЕВА, И.ДОМУЛАДЖАНОВ, Ш.ДОМУЛАДЖАНОВА, С.ИСРОИЛЖОНОВ

Лицей, коллеж талабалари, мактаб ўқувчиларининг ақлий меҳнатга резистентлигига экологик шароитларнинг таъсирини ўрганиш..... 92

Э.МИРЗАЖОНОВА, А.ҲОМИДОВ

Нутқида камчилиги бўлган мактабгача ёшдаги болаларга психологик-коррекцион усулларнинг мослиги ва самарадорлиги муаммолари 96

ИЛМИЙ АХБОРОТ**И.НЕЪМАТОВ, С.КУКИЕВА**

Боғлиқмас тасодифий сондаги тасодифий миқдорлар йиғиндисининг максимумини баҳолаш ҳақида 100

А.ЮСУПОВА, С. УКТАМОВ

Натурал сонларни кўпайтиришнинг бир усули ҳақида 102

Р.УМУРЗАКОВ

Носир Фозиловнинг “Саратон” қиссасида ўсмирнинг руҳий олами ва ижтимоий муҳит 104

М.САИДАКБАРОВА

Алишер Навоий ижодида тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима 106

Ф.ОРИПЖОНОВА

Фарида Афрўз лирикаси 109

Д.ХОДЖИМЕТОВА

Адабиётни ўқитиш жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш..... 111

Л.СИНДОРОВ

“Ҳибатул-ҳақойиқ”даги айрим ўзлашмалар хусусида 113

У.УМУРЗАКОВА

Лингвокультурология ва прагмалингвистиканинг алоқадорлигига доир..... 116

Т.ЭГАМБЕРДИЕВА, Н.ИСРОИЛОВ

Оиладаги маънавий муҳитни яратишда ота-она ибрати – жамият тараққиёти омили..... 118

М.БАҲРОМОВА

Маданиятнинг эстетик потенциали ва унинг ўзига хослиги 121

Ш.Б.ХОЛИҚУЛОВА

Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши тарихи..... 124

АДАБИЙ ТАҚВИМ

Фарғона давлат университети (собик олий педагогика институти)нинг иккинчи директори Босит Қориев 127

УДК: 41+576.2

ТУРЛИ ТИЗИМЛИ ТИЛЛАРДА “ИНТЕНСИФИКАЦИЯ” КОНЦЕПТУАЛ СЕМАНТИКАСИНИНГ MORFOLOGIK SATXDA ИФОДАЛАНИШИ

А.Зияев

Аннотация

Мақолада замонавий инглиз, ўзбек ва рус тилларида универсал табиатга эга бўлган “интенсификация” концептуал макросемантикасини воқелантирувчи вербал воситаларнинг морфологик сатҳда ифодаланиши тизимли равишда қиёсий типологик аснода тадқиқ қилинган, изоморфик ва алломорфик жиҳатлари аниқланган, шунингдек, уларни тақозо этувчи омиллар очиб берилган.

Аннотация

В статье с сопоставительно-типологической точки зрения исследуются морфологические способы выражения вербализаторов универсальной концептуальной макросемантики “интенсификация” в английском, узбекском и русском языках, установлены их изоморфные и алломорфные признаки и выявлены факторы, обуславливающие последние.

Annotation

This article touches upon the morphological ways of expressing the verbalizers of the conceptual macrosemantics of “intensification” established for the first time in Modern English, Uzbek and Russian, which allowed the author to reveal the isomorphic and allomorphic features of the verbalizers and the factors preconditioning the latter.

Таянч сўз ва иборалар: когнитив типология, интенсификация макросемантикаси, вербализатор, аффиксал морфема, мустақил морфема, боғлиқ морфема, префикс, суффикс, изоморфизм ва алломорфизм.

Ключевые слова и выражения: когнитивная типология, макросемантика интенсификации, вербализатор, морфологический способ, аффиксальная морфема, свободная морфема, изоморфизм и алломорфизм

Keywords and expressions: cognitive typology, macrosemantics of intensification, verbalizer, morphological ways, free morpheme, bound morpheme, isomorphic and allomorphic features.

Интенсивлик категорияси универсал табиатга эга бўлиб, унинг лингвокогнитив асосини интенсивлик концептуал семантикаси ташкил этади [1; 127]. Интенсивлик оғзаки ва ёзма мулоқотда объектив борлиқдаги турли хил нарсалар (ўсимликлар, ҳашаротлар, ҳайвонлар, сайёралар, сувлар, кишилар ва ҳ.к.) ва улар билан бевосита боғлиқ маълум бир воқеа, вазият, ҳолат ва ҳаракатга алоқадор даража, сифат, миқдор каби кўрсаткичларни кучайтириш/кучсизлантириш маънолари мажмуаси бўлиб, у ҳар бир фикрловчи ва тилда сўзловчи шахснинг онгида ва тафаккурида мавжуд бўлган, объектив борлиқни инъикос қилиш ва мулоқот учун бевосита зарур бўлган, шу боис ҳам ҳар бир тилда ўз ифода воситаларига эга бўлган универсал концептуал категориядир. Интенсивлик макроконцептуал семантика бўлиб, у тиллардаги мавжуд сатҳлар инвариант бирликлари орқали воқелантирилади. Қуйида мазкур ҳодисанинг морфологик сатҳда ифодаланиши хусусида фикр юритамиз.

Интенсивлик ифодаланишнинг морфологик усули деганда, махсус сўз формалари воситасида, шунингдек, маълум бир грамматик маъно ва функцияга эга бўлган сўз формасини махсус қўлланиш орқали интенсивлик

ифодаланиши тушунилади. Маълумки, сўз туркумларидан от ва феъл сўз туркуми формаларга бой. Бошқа сўз туркумларида эса форма ясаши анча чегараланган. Бу ҳолат, ўз-ўзидан, интенсивлик ифодаланишнинг морфологик усули асосан от ва феъл туркумига хос эканлигини кўрсатади. Шу боис ҳам мазкур ҳодисани сўз туркумлари бўйича қараб чиқишни лозим топдик.

Отларда сўз маъносини кучайтирувчи формалар ҳақида гап борганда, баъзи ишларда “кичрайтириш-эркалаш формаси” деб аталувчи а) –ling: gosling – гусенок - ғозча; duckling - утенок - ўрдакча; б) –let: annulet - колечко, маленькое кольцо - узукча, brooklet - ручеёк - жилғача, chainlet - цепочка - занжирча; с) –y (kitty - котёнок - мушукча; mammy - мамочка - ойижон; д) –ie: auntie - тётушка (тётуля), ammajon (ammajinam) ёки холажон, холагинам; –ette: kitchenette - небольшая кухня (кухонька) - ошхонача, luncheonette - лёгкая закуска - кичкина тамаддихона, pianette - маленькое пианино - кичкина пианиноча; рус тилида а) –ишка (коротышка, мартышка) - пакана; б) –нок (ягненок-қўзичоқ), лосенок - (буғуча); с) –ушка (голубушка (азизим/азизгинам, матушка - онажон(им), онагинам; д) –ка (лапочка (асалим), папочка (дадажон); ўзбек тилида: а) – ча, чоқ (қизча - девчонка; йигитча-

А.Зияев – ФарДУ, филология фанлари номзоди, доцент.

ТИЛШУНОСЛИК

паренёк каби аффикслар назарда тутилади. Ҳақиқатан ҳам бу аффикслар билан ясалувчи формаларда “кичиклик” маъноси бор. Лекин фактик тил материалларининг гувоҳлик беришича, бу формаларда фақат кичиклиkning ўзи ифодаланиши кам учрайди. Бу формаларда нарса-ҳодисага субъектнинг қандайдир муносабати ҳам ифодаланади. Масалан: “Агар беморни кўриб бўлган бўлсангиз, сизга жавоб, *йигитча*”. Ушбу мисолда фақат кичрайтириш ифодалаётгандек кўринади. Ҳақиқатда эса бу гапда *-ча* аффиксли формани қўлланишдан асосий мақсад йигитнинг кичиклигини ифодалаш эмас, балки йигитга нисбатан қандайдир субъектив (бу ерда ижобий) муносабат ифодаланган. Моддий борлиқдаги нарсалар ҳажм жиҳатдан турлича бўлади. Лекин уларнинг кичигини ифодалаш учун шу нарсани билдирувчи сўз *-ча* аффикси билан қўлланавермай, балки жуда санокли сўзлардагина экспрессив-эмоционал муносабат ифодаланиши мумкин. Ўзбек тилида *-дек, -дай* аффикслари отларга қўшилиб, ўзақдан англашилган маънони кучайтиришга хизмат қилади: зилдай (оғир), тошдай (қаттиқ), метиндай (мустаҳкам), қанддек (мастова), тоғдек (йигит), ойдек (жувон), девдек (одам), арслондек (кучли). Ўзбек тилида *-лар* аффикси морфологик усулда кўпликни ифодалайдиган махсус грамматик кўрсаткичдир. Кўплик отларга хос морфологик белгилардан биридир. Феълларга қўшилган *-лар* ҳаракатнинг кўплигини кўрсатмай, от ёки олмошдан англашилган кўпликка мослашган бўлади. Масалан, *келдилар* сўзидаги *-лар* келиш ҳаракатининг кўплиги бўлмай, субъектнинг бирдан ортиқлигини кўрсатади. “Феъллардаги кўплик ҳолати отга (ёки кишилик олмошига), унинг сонига қараб мослашиб юради” [2; 3]. *-лар* аффикси кўплик ғояси билан боғлиқ бўлган, шу тушунчадан келиб чиқадиган бошқа маънолар (ҳурмат, менсимаслик, истеҳзо, тур, жинс кабилар) ни ҳам англатади. Булардан ташқари *-лар* аффикси маънони кучайтириш учун хизмат қилади. Бундай маънолар, яъни кўплик тушунчаси билан маъно кучайтиришнинг мумкинлиги (жигарларнинг эзилсин – морфологик усул; сават-сават узум – синтактик усул) фикримизнинг далилидир. Демак, *-лар* орқали маъно кучайтириш тасодифий бўлмай, кўплик тушунчаси билан боғлиқ бўлган, шу ғоядан келиб чиқадиган ҳодисадир [4; 49].

Академик А.Фуломов “Ўзбек тилида кўплик категорияси” номли монографиясида *-лар* аффиксини кўплик кўрсаткичи сифатида чуқур таҳлил қилади ва шу билан бирга *-лар* нинг маънони кучайтириши ҳақида ҳам фикр юритади

[2; 3]. *-лар* аффикси отларга қўшилиб маъно кучайтириганда, ўша ўзи қўшилиб келган отнинг маъносини кучайтираётгандек кўринади. Ҳақиқатда эса бундай эмас. Отлар (предмет номлари) ўзида даража (степень) тасаввурини кўрсата олмайди. Бинобарин, *-лар* аффикси отга қўшилган бўлса-да, бошқа бир белгини кучайтиради: “Дехқонбой. Ўху, у суратга менинг кўзим билан қарасангиз эди... Кўзларим қамашиб кетди” [3; 47]. Бу гапда сўзловчининг асосий диққати кўз сўзида бўлмай, балки суратнинг жозибаторлигидадир. Демак, *-лар* аффикси отга қўшилган бўлса-да, ўша от-предметнинг маънони кучайтирилмай, контекстуал равишда суратнинг белгиси кучайтирилган [4; 49].

Бундан ташқари *-лар* аффикси: а) кўрсатиш олмошлари (бу, шу) дан ҳосил бўлган миқдор равишларига қўшилиб маъно кучайтиради: Наҳот, шу увоққина жуссада *шунчалар*, ишониб бўлмас паҳлавон куч яшириниб ётган бўлса (С.Аҳмад); б) қанча+лар: Ортда қолган хотираларга назар солмоқ *қанчалар* оғир ва кўнгилсиз (С.Аҳмад); в) аллэлементи билан ҳосил бўлган *-лар* билан қўлланилганда кўпинча маъно кучаяди: “*Аллавақтларгача* кўкка қараб термулиб ётдим” (Ғ.Фулом); г) нима+лар: Вой, бу одам нималар деяпти ўзи? (Ўзбекистон маданияти); д) *-лар+ча* аффикслари сонлар билан қўлланиб, маъно кучайтиришга хизмат қилади: Марасул. “Ёзинг. *Мингларча* озод хотин-қизларимиз...” [5; 38].

Сифатнинг маъносини кучайтириш сифат даражалари ёрдамида амалга оширилади. Инглиз тилида содда таркибли сифатлар қиёсий ва орттирма даражалари қуйидагича ўзига хос усулларда ясалади: а) синтетик усул орқали: *strong - stronger - the strongest*; б) аналитик усул орқали: *strong - stronger - very/so, so very/ strong*. Инглиз тилида қўшма (мураккаб) таркибли сифатларнинг қиёсий ва орттирма даражалари фақат аналитик усул орқали ифодаланади: *beautiful - more beautiful - the most beautiful; intelligent ~ more intelligent - the most intelligent*. Рус тилида эса сифатларнинг қиёсий ва орттирма даражалари ҳам синтетик, ҳам аналитик усул (*самый, наиболее, слишком, чересчур* каби аналитик воситалар) орқали ифодаланади, масалан: *красивый - красивее / более красивый — красивейший/наиболее красивый крупный - крупнее/более крупный - крупнейший /самый крупный*. Ўзбек тилида эса ҳар қандай (нисбий сифатлар бундан мустасно) сифатнинг қиёсий даражаси синтетик усулда, орттирма даражаси эса фақат аналитик усул (*ўта, роса, росаям, жуда, жудаям, ниҳоятда, беҳад, бениҳоя, бағоят* каби

аналитик воситалар) орқали ифодаланади, масалан: баланд – баландроқ - *энг(ўта, беҳад, ниҳоятда) баланд*.

Инглиз ва рус тилларида, ўзбек тилидан фарқли ўлароқ, шундай сифатлар ҳам борки, уларнинг қиёсий ва орттирма даражалари фақат супплетив усул орқалигина ясаллади: good - better – the best; хороший - лучше – лучший (ёки *наилучший*); bad - worse - the worst; плохой - хуже – худший (ёки *наихудший*).

Тадқиқот жараёнида шу нарса маълум бўлдики, инглиз тилида от, сифат, феъл сўз туркумига оид сўзлар маъносини кучайтиришда қуйидаги префикслар фаол ҳисобланади. Масалан, а) *super-*: superfood, supercomputer, supermodel; б) *hyper-*: hypercompetitive, hypersensitive, hypermarket; в) *out-*: outdo, outlandish, outlast, outlive; д) *over-*: overact, overbook; е) *ultra-*: ultramarine, ultrasonic, ф) *multi-*: multicolored, multimillionaire, г) *en-*: engrossing, enrage.

Сон сўз туркумида *бир, минг сонлари -ов, -ала* аффиксини олган сонлардан олдин кишилик ва кўрсатиш олмошлари ёки ҳар сўзи келганда маънони кучайтириш ва таъкидлаш учун хизмат қилади: Биз икков, улар бешов эди. Олимларнинг ҳар иккаласи ҳам тилшунос эди.

Ўзбек тилида феълнинг маъносини *-ла-, кила-* кўшимчасини қўшиш орқали маъно кучайтирилади. Масалан: *чўқимоқ - чўқиламоқ, эзмок – эзгиламоқ; тепмок – тепкиламоқ*.

Олмошларда маъно кучайтириш а) кўрсатиш олмошлари у, бу, шу+ча (лик) аффикси билан қўлланганда, маъно кучайтирилади: Йўқ, гулда бунчалик латофат қайда? Бир одамнинг бир одамга яхшилиги шунча бўлади-да (А.Убайдуллаев); б) ўзлик олмошида ўз+ҳам (ям): Ўзиям миқти келган, тикмачоқ киши эди (С.Аҳмад). Агар биринчи компонент ҳеч қандай аффикссиз, кейингиси аффиксли қўлланса, биргина *ўз* сўзининг маъноси кучайтириб, таъкидлаб кўрсатилади: “Ўз-ўзимизга ҳукумат уй берди” [3;62].

Рус тилида а) **супер-** префикси «очень» маъносида қўлланилиб (суперхрабрый, суперспособность, суперцена, суперпредложение), сўз маъносини кучайтиришга хизмат қилади. Масалан: *суперхрабрый – ботир, ниҳоятда жасур; суперцена – жуда зўр нарх, суперпредложение – жуда зўр таклиф; б) –гипер:* гиперзвук, гипервитаминоз, гиперкомплексный, гиперчувствительный; в) – **наи** префикси сифатларга қўшилиб, белгининг юқори даражасини ифодалашга хизмат қилади: *наилучший, наибольший, наиталантливейший, наиправейший* каби; г) – **пре** кўшимчаси ҳам

белгининг меъёрдан ортиқлигини билдиради (*преинтересный, премудрый, предобрейший, прехорошенький, преотличный, премилый*). Мазкур кўшимчалар инглиз ва ўзбек тилларида сифатларнинг орттирма даражаси ёки кучайтирувчи равишлар ёрдамида ифодаланади: *the best –наилучший - энг яхши; the biggest –наибольший – энг катта; the wisest – премудрый – энг ақлли; the kindest – предобрейший – энг меҳрибон*. Баъзан бундай ҳолат унинг синоними **д) раз-** (*рас-*) (*разодетый, разудалой, распрекрасный*) ёрдамида амалга оширилади. Феъл сўз туркумида эса мазкур вазифани *при* кўшимчаси бажаради: *приударить, приналечь*. Ушбу сўзлар инглиз ва ўзбек тилларида интенсивлик ифодаловчи сўзлар ёрдамида ифодаланади. Масалан, *–dressed up –разодетый –ҳаддан зиёд ясанган; daring –разудалой –ниҳоятда ботир; torush –приударить – тезлатмоқ, жадаллатмоқ*. У ёки бу префиксни қўллашда унинг лексик маъносини инобатга олиш жуда муҳимдир.

Рус тилида **ультра** префикси от ва сифатларга қўшилиб, сўз маъносини маълум даражада кучайтиришга хизмат қилади. Масалан: ж) *ультрамодный, ультрасовременный, ультраправый* з) мега - *мегагонна, мегаспора, мегафон*; и) **пере-** *перехитрить, перемерзнуть, пересолить, перемудрить*; к) **сверх-** *сверхготовность, сверхмощный, сверхметкий*. л) **об** – *обыграть, обстрелять*.

Рус тилида кучайтирувчи суффикслар а) – **ан**, белги ва ҳаракатнинг юқори даражасини ифодалайди: *губан, пузан*; шунингдек *интриган, критикан*; б) – **ян**, *грубиян*, каби сўзлар салбий бўёқни кучайтиришга хизмат қилади. Инглиз ва ўзбек тилларида бунга мос суффикс мавжуд бўлмаганлиги сабабли, мазкур ҳолатни ифодалашда кучайтирувчи сўзлардан фойдаланиш мумкин. Масалан: *twerp – грубиян - жуда қўпол одам; intriguing – интриган – ниҳоятда ифвогар одам; criticaster – критикан – ниҳоятда танқидбоз одам; с) ач-* *трубач, силач, усач, бородач; Hercules - силач – баходир, паҳлавон; bearded man – бородач – серсоқол одам; д) –ун* кўшимчаси инсонга хос бўлган характерни (*бегун, крикуни*) ифодалайди: *runner – бегун – чопқир, жуда тез югурадиган одам; screamer - крикун –, loudmouth – жуда шанқи одам*. Сифат ифодалаган маънони кучайтиришда е) – **аст-** (**-ам**) *губастый, очкастый, скуластый, щекастый, косматый, волосатый, рогатый* кўшимчалари фаол ҳисобланади. Масалан, *thick – lipped – губастый – лаби ниҳоятда дўрдайган; chubby –*

ТИЛШУНОСЛИК

щекастый – лўппи юзли; homed – косматый–хўрпайган; ж) **ит-** (-овит-); қўшимчалари белгининг юқори даражасини: ядовитый, сердитый, именитый; з) **-чатый** узорчатый, бугорчатый, бревенчатый, веснушчатый; **к)-уц-/-юц-**; - злющий, загребущий, большущий, завидующий, жаднующий; л) **-енн** высоченный, здоровенный ифодалайди. Мазкур суффикслар фақатгина рус тилигагина хос бўлиб, инглиз ва ўзбек тилларида сифатларнинг орттирма даражаси ёки кучайтирувчи равишлар орқали ифодаланади: *Большущий* – *thebiggest* – *каттакон*, *жуда катта*; *жаднующий* – *thegreediest* – *ўтакетган қуримсоқ*; *злющий* – *veryangry* – *ўта баджаҳл*; м) **-нича(ть)** – суффикси (*попрошайничать*, *обезьянничать*, *садовничать*) маълум даражадамаъно кучайтиришга хизмат қилади. Инглиз ва ўзбек тилларида мазкур ҳолат барқарор бирикмалар ёки кучайтирувчи сўзлар ёрдамида амалга оширилади. Масалан: *Обезьянничать* – *аре*, (*playtheape*) – *кўр* – *кўрона тақлид қилмоқ*; *Попрошайничать* – *panhandle* (*разг.*) – *тиланчилик қилмоқ*.

Инглиз ва ўзбек тилларидан фарқли ўлароқ, рус тилида морфологик сатҳда маъно кучайтиришда префиксал+постфиксал усул фаол ҳисобланади. Масалан: а) -вз, вз –ся, – взвизгнуть, взвыть, взбунтоваться, вздуриться; б) –вы, -вы-ся – вытанцовывать, вызванивать, выложиться, выговориться; в) –за, -за-ся – закормить, загнать, завратиться, забегаться; г) из-

из-ся – изгнать, изобидеть, измучиться, избегаться; д) до-, до-ся – докупить, дополучить, доиграться, добежаться; ж) об-, об-ся – обыграть, обстрелять, обкушаться; з) про-, про-ся – просолить, прогреть, проспаться, провариваться; и) раз-, раз –ся – развеселый, разудалый, разволноваться и т.д.

Қиёсланаётган тиллардаги интенсификация концептуал семантикаси вербализаторларининг ўхшаш жиҳатлари, бир томондан, тилларда мазкур семантиканинг универсал лингвокогнитив асоси мавжуд эканлиги билан, иккинчи томондан, мазкур тиллар мулоқот қуроли ва воситаси сифатида унинг воқелантирилишида хизмат қилар экан, улар бевосита умумлисоний ривожланиш ва қўлланилиш қонуниятларига амал қилишлари билан тушунтирилса, уларнинг ноўхшаш жиҳатлари тадқиқ қилинаётган тилларда сўзлашувчилар/ёзувчиларнинг ўзига хос бетакрор тафаккурга эга эканликларидан ва унинг мулоқотда ўзига хос идиоматик вербал ва новербал воситалар орқали тизимли воқелантирилиши билан изоҳланади. Префикс ва суффикслар ёрдамида сўз ясалиши яхши ривожланган аналитик тиллар типига мансуб инглиз, флектив тиллар типига мансуб рус тилларидан фарқли ўлароқ, агглютинатив тиллар типига мансуб ўзбек тилида постфикслар ёрдамида морфологик сатҳда интенсификация макросемантикасини воқелантириш мумкин бўлади.

Адабиётлар:

1. Jackendorf R. Semantics and cognition. Cambridge (mass): The MIT Press. 1993.
2. Ғуломов А. Ўзбек тилида кўплик категорияси. – Т., 1944.
3. Абдулла Қаҳҳор . Қўшчинон чироқлари. – Т.: Ўқитувчи, 1956.
4. Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. –Т.: Фан, 1983.
5. Турсун П. Ўқитувчи. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1972.
6. Абдуллаев А. Маъно кучайтиришнинг морфологик усули // “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали. –1970 йил, 1-сон.
7. Арбекова Т.И. Лексикология английского языка (Практический курс).- – М.: Высшая школа, 1977.
- Arnold I.V. The English Word. – М.: Просвещение, 1966.
8. Bolinger D. Degree Words. – The Hague-Paris, 1972.
9. Вельская Е.В. Интенсивность как категория лексикологии (на материале говоров Среднего Приобья).
- Дис. ... канд. филол. наук. – Томск, 2001.
10. Macmillan English Dictionary for Advanced Learners. Second Edition. – Macmillan Publishers Limited, 2007.
11. Суворина К.М. Интенсивы в современном английском языке: Авт. дис. ... канд.филол.наук. – М., 1976.
12. Исмоилий М. Фарғона тонг отгунча, – Т., 1958.
13. Абдулла Қаҳҳор. Синчалак. Қисса. – Т., 1952.

(Тақризи: А.Мамажонов, филология фанлари доктори, профессор.).